

**QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR KENGASHINING
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
MINISTRLER KENESININ
QARARI**

2023 - yil 9 - mart

87-13-0-Q/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi
Vazirlar Kengashi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
27 февралдаги “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва
соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги 84-сон қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-427-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 84-сон қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Қуйидагилар:

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари базасида ташкил этиладиган дам

олиш масканлари тўғрисида намунавий низом 3-иловага мувофиқ;

Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б). Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда касаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир йўлланма учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига компенсация тўлаш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бир ой муддатда:

Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиб, комиссия аъзоларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва мавсумда болаларни қабул қилишга тайёрлиги юзасидан зарур шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш топширилганлиги;

г) Тизимида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бир ой муддатда:

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек болаларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш вазифаси юклатилганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 6-иловага

мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

е) Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари бир ой муддатда белгиланган тартибда:

болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиб, комиссия аъзоларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича зарур чоралар кўрсин;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва мавсумда болаларни қабул қилишга тайёрлиги юзасидан зарур шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин;

5. Тизимида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимлари бир ой муддатда ўрнатилган тартибда:

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек болаларнинг мазмунли дам олишларини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрсин;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгиласин.

6. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳар йили мавсум давомида қонунчиликда белгиланган тартибда:

оромгоҳларда соғломлаштирилаётган болалар ва уларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг соғлиғини сақлаш;

оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;

оромгоҳларга олиб борувчи йўллар ҳолатини яхшилаш;

болаларнинг дам олиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари А.Данияров зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси**



Ф.Эрманов

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 9 martdagi
87-13-0-Q/23-son qaroriga
1-ilova

**Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш
концепциясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича**

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
I. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришнинг самарали тизимини яратиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тармоғини такомиллаштириш				

1.	Оромгоҳларга борувчи болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш.	<p>1. Оромгоҳларга олиб борувчи йўллар ҳолатини ўрганиш, тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш ва аниқланган муаммоларнинг мутасаддилар томонидан ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш.</p> <p>2. Оромгоҳлар жойлашган ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш бўйича алоҳида профилактик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>3. Ҳудудлар ва сменалар кесимида ички ишлар ва миллий гвардия ходимларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва оромгоҳларга бириктириш.</p>	<p>2023 йил март-май</p> <p>май</p> <p>июнь-август</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликоари</p>
2.	Оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш.	<p>1. Оромгоҳларда ичимлик суви, электр, табиий ва суюлтирилган газ таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш.</p> <p>2. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда мавсумда оромгоҳларда электр энергияси таъминоти узлуксизлигини таъминлаш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш.</p> <p>3. Заруратга қараб, оромгоҳларни қўшимча равишда дизель ёқилғисида ишлайдиган генераторлар билан таъминлаш.</p>	Мавсум давомида	<p>«Ҳудудгаз Қорақалпоғистон» газ таъминоти филиали «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ Қорақалпоғистон ҳудудий филиали, Қурилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

II. Болаларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, уларнинг иқтидорини намоён қилиш				
3.	Оромгоҳларда болалар ўртасида миллий ва замонавий рақс турларини оммалаштиришга қаратилган «Рақс жилоси» кўрик-танловини ташкил этиш.	1. Танлов низомини ишлаб чиқиш. 2. Мавсум давомида болалар ўртасида танловни ташкил этиш. 3. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.	2023 йил май-август	Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
4.	Болаларни оромгоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови жамоалари концертларини ташкил этиш.	1. «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови концертларини ташкил этишнинг намунавий тартибини ишлаб чиқиш. 2. Оромгоҳларга ташриф буюрадиган жамоалар рўйхатини шакллантириш. 3. Жамоаларни концерт ташкил этиш бўйича режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 4. Режа-жадвал асосида ҳар мавсумда концерт дастурларини ташкил этиш ва ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.	2023 йил май 2023 йил июнь 2023 йил июнь -август	Маданият вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
III. Болаларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш				

5.	Болаларни ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ўтказиш мақсадида спектакллар намойишини ташкил этиш.	1. Тадбир ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 2. Режа-жадвал бўйича тадбирларни ташкил этиш.	2023 йил 25 май июнь -август	Маданият вазирлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
6.	Болалар оромгоҳларида китоб савдо-ярмаркаларини ташкил этиш.	1. Нашриётлар ва китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантириш. 2. Жойларда ўтказиладиган китоб савдо-ярмаркаларини ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган режа-жадвал асосида нашриётлар ва китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фаол иштирокчини таъминлаш.	Режа-жадвал асосида	Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
IV. Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт турларини оммалаштириш				
7.	Ўғил болалар ўртасида спортнинг футбол тури ва қиз болалар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақалар ташкил этиш.	1. Мусобақаларни ўтказишнинг намунавий тартибини ишлаб чиқиш. 2. Тартибни болалар оромгоҳларига етказиш. 3. Спорт мусобақасини оромгоҳларда мавсум давомида ўтказиш чораларини кўриш. 4. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.	2023 йил май Режа-жадвал асосида	Ёшлар ишлари агентлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

8.	Спортнинг баскетбол, шашка, енгил атлетика ва стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мусобақаларни ўтказишнинг намунавий тартибларини ишлаб чиқиш. 2. Тартибларни болалар оромгоҳларига етказиш. 3. Спорт мусобақаларини оромгоҳларда мавсум давомида ўтказиш чораларини кўриш. 4. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш. 	2023 йил май Режа-жадвал асосида	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
9.	Соғломлаштириш оромгоҳида оилавий болалар уйлари тарбияланувчиларини ҳамда болалар дам олишини таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Оромгоҳларга жалб этиладиган педагог ходимлар учун ўқувлар ўтказиш. 2. Тўғарак ва тарбиячиларнинг иш режа намуналарини ишлаб чиқиш ва етказиш. 3. Оромгоҳнинг ҳар навбатида ўқувчиларнинг дам олишини мониторинг қилиш. 	2023 йил июнь — август	Мактабгача таълим вазирлиги, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

